

Бир лафз билан уч талоқ қўйса, уч талоқ тушадими?



11:21 / 19.09.2024 5744

Имом Муслим, Абу Довуд ва Аҳмадлар Абу ас-Саҳбаа розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«У киши Ибн Аббос розияллоҳу анҳуга «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр даврлари ҳамда Умарнинг амирлигидан уч йилда уч талоқ битта қилинишини биласанми?» деди.

Шунда Ибн Аббос: «Ҳа», деди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр даврларида ҳамда Умарнинг халифалигининг икки йилида уч талоқ биттага ўтар эди. Кейин Умар ибн Хаттоб: «Одамлар ўзлари шошилишлари керак бўлмаган нарсада шошилиб қолдилар. Агар уни ўтадиган қилиб

қўйсақ, қандай бўлар экан», деди ва ўтадиган қилиб қўйди».

Ушбу ривоятда сўз «Агар эр хотинига «Сен уч талоқсан», деса ёки «Талоқ қилдим, талоқ қилдим, талоқ қилдим» деб уч марта айтса, уч талоқ тушадими ёки бир талоқми?» деган савол устида кетмоқда.

Очиқ-ойдин кўриниб турибдики, аввал бир жойда бир йўла уч талоқ қилиш бир талоқ ўрнига ўтган. Аммо ҳазрати Умар розияллоҳу анхунинг даврларида одамлар бу ишни суистеъмол қилиб юборганларидан кейин «Бир лафз билан уч талоқ қўйса, уч талоқ тушади», деган ҳукм чиққан.

Жумҳур уламолари, жумладан, тўрт мазҳаб фуқоҳолари ҳам «Бир лафз билан айтилган уч талоқ уч талоқ ҳисобланади. Эр-хотин ажрашади, қайта ярашиш имконига эга бўлмайдилар», деганлар.

Баъзи саҳоба ва тобеъинлар, шунингдек, Ҳанафий, Моликий ва Ҳанбалий мазҳабларининг баъзи уламолари «Бир лафз билан қилинган уч талоқ бир талоқ ўрнига ўтади», деганлар.

Далил ва ҳужжатларни солиштириб, суриштирган уламоларнинг кўплари жумҳур ва тўрт мазҳабнинг қавли кучли эканлигига ишонч ҳосил қилганлар.

Албатта, бу ишда Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху кишиларнинг, хусусан, талоқ қилувчи эркаларнинг ҳаддиларидан ошганликлари, ўзлари учун шариат томонидан берилган енгилликни суистеъмол қилганликларини эътиборга олганлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.